



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

17 сентябрь, пайшанба 1998 йил №109(610)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

1 ЖОЗИБАСИ ЎЗИ БИЛАН

2

ИСТЕЪМОЛЧИ
МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

3

ЎТИНГА АЙЛАНГАН ОЛМАЗОР

4

СОЛИҚЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Қ У Д У С, 16 СЕНТЯБР. /ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ ФАРҲОД АР-ЗИЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ/. Бугун мамлакатимиз раҳбари Эски Қуддусга ташриф буюрди. Бу ерда Ислом Қаримов «Ал-Ақсо» масжидини зиёрат қилди ҳамда яҳудийларнинг муқаддас зиёратгоҳи - «Нола деворлари»ни бориб кўрди.

Шу кун Ислам Қаримов Қуддусдаги «Зерам Федерация» қишлоқ хўжалик мажмуи, «Исроил авиация саноати» корпорациясида ҳам бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Ислам Қаримовнинг Исроилга уч кунлик сафари шу билан ниятига етди. Айтиш мумкинки, мазкур сафар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаради. Қуддусда бўлиб ўтган учрашувлар нафақат Ўз-

бекистон ва Исроил жамоатчилиги, балки бутун дунё давлатларида катта қизиқиш уйғотгани, шубҳасиз.

Бугун дунё ўзгараётган, мезонлар ўзгараётган. Тараққиёт қалити сиёсий, диний, этник тарафқашлик эмас, балки кўрраи замин тинчлиги, мамлакатлар фаровонлигига хизмат қилувчи ўзаро тегилик асосига қурилган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик, халқларнинг бир-бирига яқинлаштирувчи маданий алоқаларни ривожлантириш йўлини тутганлар қўлида экани тобора яққолроқ намоён бўлаётган. Шу маънода, Президент Ислом Қаримовнинг Исроилга ташрифи икки давлат миқёсида ҳам, қолаверса, минтақавий ва халқаро доирада ҳам катта эътиборга муносибдир.

Симфоник музика фестивали

22-27 сентябрь кунлари мамлакатимизда илк бор халқаро симфоник музика фестивали ўтказилди. Халқаро музика кўни арафасида бўлиб ўтаётган мазкур анжуманда жаҳоннинг йигирма саккиз мамлакатидан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда. Биз анжумани ўтказиш ташкилий кўмитаси раисининг ўринбосари, фестиваль бош директори, Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам АБДУЛЛАЕВ билан халқаро симфоник музика фестивали ташкилотчилари ишлари ва унинг аҳамияти тўғрисида суҳбатлашдик.

Тошкент шаҳрида халқаро симфоник музика фестивали ўтказиш фикри қандай юзга келди?

Мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўзининг барча соҳалардаги оламшумул ютуқлари билан жаҳонга тобора юз тутаётган бўлмоқда. Кўнча тарихга, ўзига хос ноёб анъаналарга эга бўлган миллий маданиятимиз ва санъатимизга ҳукуматимиз томонидан эътибор кучайиб, катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳам биз, санъаткорларни беҳад қувонтирмоқда. Айниқса, ўтган йили Президентимиз Ислом Қаримов ташаббуси билан ўтказилган ва дунё музика жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган «Шарк тароналари» халқаро музика фестивали республикамизнинг жаҳон миқёсида яна бир қарор намоён қилди. Чинкам музика байрамга айланган ушбу фестивалдан тасвирланган чет эллик музика арбобларидан халқ-хануз мактуб ва телеграммалар келиб турибди. Бу эса ўзбек бастакорларига бениҳоя ғаж ва илҳом бахш этмоқда. Янги-янги иждоий ишларга илҳомлантирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг халқаро музика фестивалини ўтказиш ҳақидаги қарори эса ўзбек маданияти ва санъатини янада ривожлантириш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, жаҳонга таништириш борасида катта имкониятлар тугдирувчи муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Бастакорларимиз ушбу қарорни мамлакатимиз музика намоёндаларига бўлган катта ғамхўрлик деб билмоқдалар ва шу билан бирга, ўзларига жиддий масъулият юклаганлигини ҳам чуқур ҳис этмоқдалар.

Сўнги йилларда миллий музикамиз, шу жумладан, замонавий ўзбек симфоник музикаси ҳам жаҳон миқёсида тобора кўпроқ шuhrат қозонмоқда. Ушбу ўзбек санъаткорлари, иждокор ўшлар хорижий мамлакатларда ўтказилган турли музика анжуманлари, халқаро танловларида мунтазам иштирок этиш билан, мустақиллик йилларида яратилган музика ишлари билан бу борада беамал куч сиништириш мумкин. Шунинг учун ҳам хорижий санъаткорларни юртимизга таклиф этиб, уларни эришган иждоий ютуқларимиз билан, мустақиллик йилларида яратилган музика ишлари билан бу борада беамал куч сиништириш мумкин.

фони оркестри мазкур анжуманинг энг олий саворига сазовор бўлди.

Пойтахтимизда ўтказилган фестивалнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари пойтахтдаги «Туркистон» саройида ўтказилган бундай фестиваллар жаҳонда жуда камдан-кам бўлади. Чунки бу каби анжуманлар катта бастакорлик мактаби ривожланган давлатларгагина хос. Шу бос фестивалда Америка Қўшма Штатлари, Франция, Япония, Хитой, Жанубий Корея каби бастакорлик юксак ривож топган мамлакатларнинг вакиллари иштирок этиш истагини билдиргани табиий. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам бу соҳа юксак даражада ривожланганки, биз жаҳоннинг ҳар қандай давлати билан бу борада беамал куч сиништириш мумкин. Шунинг учун ҳам хорижий санъаткорларни юртимизга таклиф этиб, уларни эришган иждоий ютуқларимиз билан, мустақиллик йилларида яратилган музика ишлари билан бу борада беамал куч сиништириш мумкин.

Фестивалнинг рамзида ер кўрриси узро хумо қуши парвоз қилаётгани акс эттирилган. Бу эса халқимиз орау умидлари, бахту иқболи, келажакка бўлган ишончи, тинчлик, дўстлик мақсадлари музика орқали дунёга таралганини билдирди. Музика анжуманининг асосий максатиди - ўзбек миллий симфоник мактабининг энг юксак ютуқларини халқаро миқёсда тар-



Табиий шароит мавсум стратегиясини белгилайди

Тошкентдаги «Ўзқишхўжтаъмират» давлат-кооператив кўмитасида пахта йғим-терим кампаниясини уюш-қоқлик билан ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни ушқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан тўзилган.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг, Республика комиссияси раиси Исмомил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисида «Агро-машсервис» бирлашмаси, «Ўзқишлоқхўжалик-холдинг» компаниясининг маҳаллий бўлинмалари, шунингдек, мазкур компания корхоналари, «Ўздав-нефтахўжалик», Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон «оқ олтин» ҳосилини йғиб-териб олиш билан шуғулланувчи бошқа корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

«Ўзқишхўжтаъми-

рат» ва «Ўзқишлоқхўжалик-холдинг» раислари Б.Олимжонов ва Р.Мағнонов ишнинг бориши ҳақида ахборот берди. Шунингдек, жойларда йғим-терим техникаси ва механизмларини тайёрлаш, хўжаликларни эҳтиёт қисмлар ҳамда ёқилғимойлаш ва бошқа воситалар билан таъминлаш талаби ахборотлар тинланди.

Мажлисида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш борасидаги камчиликларга қаратилди. Бу камчиликлар табиий сабаблардан ташқари, терим, кўсак чувиш техникаси, транспорт воситалари ва бошқа зарур механизмларни тайёрлаш ишларининг орқага сурилиши оқибатида ҳам юз бермоқда. Шунинг учун Республика комиссияси қабул қилган қарорда тез кунларда жойларда техникани таъмирлаш ишларини якунлаш, бу ишнинг аниқ бориши ва сифатли бажарилиши учун жавобгарликни ошириш, машина теримига ажратилган пахта далаларида гўза баргини тўкишни юксак савияда ташкил этиш, барча техниканинг юқори унум-

дорлигига эришиш кўзда тутилган. Бунинг учун яхши жиҳозланган кўчма таъмирлаш комплексларини тайёрлаш лозим. Мажлис иштирокчилари таъкидлаганидек, ҳар бир мавсумнинг ўзига хос хусусияти ва камчиликлари бўлади. Бу йил об-ҳаво ноқулай келгани туфайли пахта кеч очилмоқда. Бу ҳол юқори ҳосил олишнинг алоҳида стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Пахтани қўлда териш кўнглидаги натижаини бермаслиги мумкин. Шунинг учун, ҳосилни механизация ёрдамида териб олишга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Республика комиссияси шуларни ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва хўжаликларда машина терими ҳажми бўйича аниқ вазифаларни белгилашни тавсия қилди. Иш шундай ташкил этилсагина совуқ тушмасдан туриб, қисқа муддатда пахта ҳосилини йғиб олиш ва мамлакатимиз иқтисодий раванқини таъминлаш мумкин.

/ЎЗА/

Пахта-98

НАМАНГАН ҚАРВОНИ

Вилоятда пахта йғим-терими оммавий равишда бошланди. Тайёрлов пунктлари ташкиллаштирилди. Истиқлолимизнинг еттичи ёши нишонланган йилда етишган ҳосилни юклаган автомашиналар ва арава трактор қарвонлари кўчаларни тўлдирди қолди. Шу муносабат билан пахта тозалаш корхоналари ҳамда тайёрлов пунктларида дастурхонлар ёзилиб оқсоқоллардан оқ фотҳалар олинмоқда. Яқинда ана шундай тadbир Наманган шаҳридаги 3-пахта тозалаш заводи қошидаги тайёрлов пу-

ктида ўтказилди. Тўкин дастурхон атрофидан корхона жамоаси, маҳаллардан таклиф этилган қариялар жой олдилар.

Қувончлиси шундаки бу мавсумда топшириладиган ҳосил олдинги йиллардагига нисбатан юқори сифати билан ажралиб турибди, дейди пункт таснифловчиси (товаршуноси) Ғиёсидин Туражонов. Бугунча пахта етказиб берган Турақўрган туманидаги «Турақўрган», «Туркистон», Бобур номи ва «Наврў» жамоа хўжаликларининг пахтаси аъло навларга қабул қилинди. «Тура-

Ж. ОБИДОВ.

Президент Кубоги

ЖОЗИБАСИ ЎЗИ БИЛАН

Пойтахтимиздаги «Юносбод» теннис мажмуида анъанавий «Президент Кубоги» халқаро турнири давом этмоқда. Бешинчи бор ўтказилаётган мазкур турнирда кўраи заминимиздаги 20 дан ортик давлатларнинг вакиллари иштирок этишмоқда. Улар орасида Германия, Испания, Россия, Франция, Буюк Британия сингари теннис тараққиётган мамлакатларнинг борлиги «Президент Кубоги»га жаҳон миқёсида эътибор берилганлигини далил қилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги турнирда жаҳоннинг кучли 100 теннисчиси сафидан жой олиб турган 9 спортчи иштирок этмоқда. Қувончлиси шундаки, уларнинг 3 нафари ҳозирги кунда профессионал теннисчилар ассоциацияси таснифида кучли 20 ликка киритилган. Булар энг сўнги маълумотларга кўра жаҳоннинг 10-кучли теннисчиси Евгений Кафельников, ундан атиги бир поғона пастда турган Тим Хенман (Буюк Британия) ҳамда профессионал теннисчилар таснифида 18-ўринни эгаллаётган француз Седрик Пьоллинилар. Мусобақанинг дастлабки икки кунда яқна бахсларда қатнашаётган 32 теннисчидан тенг ярни курашлардан чиқиб кетди. Афсуски улар орасида Вананимиз шарофини химоя қилаётган теннисчиларимиз ҳам бор.

Энди бевосита уйинлар таснифида келадиган бўлса, дастлаб очик кортларда уч учрашув бўлиб ўтди. Биринчи кортда французлик Леонел Ру Жанубий Африкалик Дэвид Найннинг қарши тўп сурди. У рақибидан бироз таърибли бўлишига қарамай, Леонел Ру уч сетда мағлубиятга учради. Учинчи кортда тўп сурган яна бир африкалик теннисчи Гудвин Невил ҳамюрти бошлаган хайрли ишни давом эттира олмади. У аргентиналик Гастон Этлисини биринчи сетда 6:2 ҳисобида мағлуб этди. Иккинчи сет эса тўлағили Этлисининг устунлигида ўтиб 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Икка-ла сетлар натижасига кўра ҳисоб тенглашди - 1:1. Ҳал қилувчи учинчи сет эса шу қадар қизғин тус олдики,

ғолиб фақат тай-брек ёрдамида аниқланди. Гастон Этлис таърибали Гудвин Невилни 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўллангани кўлга киритди.

Жуфтликлар баҳсида саралаш босқичининг сўнги учрашуви ўтказилди. Унда Маҳкамов-Зинкандо жуфтлиги Холжўжаев-Кокунлар жуфтлигидан 7:6, 6:3 ҳисобларида устун чиқди. Ва энди улар асосий босқичда Иванов-Смоленский ва Томашевич-Кирилов жуфтлиги билан учрашди.

Турнирнинг тантанали очилиш маросимидан кейин мухлислар яна 5 учрашувни марикиб томоша қилишди. Марказий кортдаги ҳамюртлар Темур Ганиев россиялик ёш умидли теннисчи Марат Сафинлар учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. 3000 дан ортик мухлиснинг кўллаб-қувватлаши ҳам Темурга етдан бера олмади. У иккала сетда ҳам бир хил 6:2 ҳисобида енгилди, курашдан чиқиб кетди. Чехиялик Петр Люкса учун ҳам биринчи босқич муваффақиятсиз якунланди. У профессионал теннисчилар ассоциацияси таснифида ўзидан қарий 70 поғона пастда турган исроиллик Иял Ранга иккала сетда ҳам 6:3 ҳисобида ютқаниб қўйди. Шунингдек, германиялик Райнер Шуттлер ва Лауренс Бурриеза ва Сиенг Шалкенлар беллашувида голландиялик теннисчи Шалкен, Владимир Волчков ҳамда германиялик Девид Принсиналар баҳсида белоруссиялик Волчков ғалаба нашидасини сурди.

Мусобақанинг иккинчи кунги бўлиб ўтган 12 учрашувдан 3 таси бизнинг диққатимизни ўзига тортди. Бу уч уйинда ҳамюртларимиз Дмитрий Томашевич, Вадим Куденко ва Олег Огородовлар тўп сурдишди. Дастлаб кортда Дмитрий Томашевич ҳамда французлик Никола Эскуделар чиқиди. Кўпчилик бу учрашувда Никола Эскуденинг ғалаба қозонишига шубҳа қилмасди. Сабаби, бу-

гунги кунда Никола Эскуде айна спорт формасида. Қолаверса, профессионал теннисчилар ассоциацияси таснифида 39 поғонани эгаллаётган бўлса, унинг рақибиди Дмитрий Томашевич эса 400 - ўринлардан берида бормоқда. Ана шундан ҳам ким қандай имкониятга эга эканилигини билиш мумкин. Учрашувда француз теннисчиси девяри кийинчилиқсиз ғалабага эришди. Дмитрий Томашевич атиги бир соатгина ўз рақибига қарши туриб бера олди. Начора, спортда жисмоний ва руҳан кучлилар ҳамма ғолиб, Соат миллилар роппа-роса 17:00 ни кўрсати турганда Вадим Куденко ва Франциянинг биринчи ракетка устаси Седрик Пьоллилар марказий кортга чиқиб келишди. Бу уйин ҳақида нима дейиш мумкин? Биринчи сетнинг дастлабки геймидан ташаббусни ўз қўлига олган Седрик Пьолли ярим соатга қолмасдан 6:3 ҳисобида ғалабага эришди. Иккинчи сет эса аввалгисидан фарқли ўларок Вадимнинг устунлигида бошланди ва у 3 бора 1:0, 2:1, 3:6 ҳисобида олдинга чиқиб олганди. Аммо таърибали Седрик ҳозирда бекорга профессионал теннисчилар таснифида 18 - ўринни банд этиб турганлигини исботлади. Кетма-кет 4 геймини ўз фойдасига ҳал қилиб, якуний натижани 6:3 га етказди. Энди у кейинги босқичда италиялик Лоуренс Тилеманга қарши тўп сурди. Ва ниҳоят теннисчимиз Олег Огородовга ҳам етиб келди. Кўра натижаларини кўриб, Дмитрий Томашевич, Вадим Куденко ва Темур Ганиевларнинг биринчи босқичдан нарига ўтолмаслигига ишонч ҳосил қилганди. Лекин Олег бу нарсадан ҳоли эди дейишимиз мумкин. Зеро унга биринчи босқичда исроиллик унча кучли бўлмаган теннис-



чи Харел Лей рўбарў келганди. Аммо республикамизнинг энг кучли теннисчиси нафақат бизни, балки унга умид билан кўз тикиб турган миллионлаб мухлисларни да ранжитди. Келинги яхисини мазкур учрашув ҳақида батафсил тўхталиб ўтасан. Биринчи сетнинг дастлабки геймларидан Харел Лей кетма-кет ғалаба қозониб ҳисобда анча ўзиб кетди. Лекин Огородов ҳам тушқуниликка тушмасдан курашни давом эттириб, ҳисобни бироз қисқартиришга эришди. Аммо ўша кун Харел Лейга аталган эканми, у биринчи сетни 6:4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Иккинчи сет эса Олег учун омадли келди. У 6:3 ҳисобида енгилди, умумий ҳисобини тенглаштиришга муваффақ бўлди - 1:1. Энди ҳал қилувчи учинчи сетда ким ғалаба қозонса, у навбатдаги босқичда курашни давом эттириш ҳуқуқини кўлга киритади. Қолаверса, 19 профессионал теннисчилар ассоциацияси очкосига эга бўларди. Бу эса шубҳасиз теннисчи нуфузининг ошиши учун омидлар. Буни тўғри ҳис қилган исроиллик теннисчи учинчи сетда шохмасдан, босқичлик билан ўйнаб бошлади. Олег эса аксинча. Ноаниқ тўп утишлар, тўпни қабул қилишда хатолар ва энг асосийси асабийлашмиш натижасида бу гал ҳам ютқазди. Харел Лей эса кейинги босқичда Стефано Пескосоллидо билан курашди.

Энди қолган уйинлар натижалари билан танишингиз. Евгений Кафельников - Мартин Синнер 6:4, 6:2; Ларс Бургсмуллер - Томас Кетела 7:6, 7:5; Маркос Хачик - Карстен Брәш 4:6, 6:7; Кеннет Карлсен - Стефано Пескосоллидо 6:7, 2:6; Тим Хенман - Нир Белгрее 6:4, 6:1.

Жуфтликлар баҳсида ҳам уч уйин бўлиб ўтди. Бургсмуллер - Шуттлер жуфтлиги Люкса-Ран жуфтлигидан 6:4, 6:2 ҳисобида устун келишди. Эрлич-Волчков ҳамкорлиги Брәш-Этлис жуфтлигидан 7:6, 7:5 ҳисобларида мағлубиятга учради. Ва ниҳоят Куденко-Велгрее жуфтлиги Найн-Вассен жуфтлигини 3:6, 6:1, 7:5 ҳисобларида енгилди ва кейинги босқичга чиқиди. Мусобақалар қизғин давом этмоқда.

Денис ЮСУПОВ.



Кашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси ўз атрофига 10 та бошланғич тақилоти бирлаштирган бўлиб, аъзолари сонини 1326 нафар кишини ташкил этади. Ҳозирда кўмита вилоят ўрмон хўжалиги бирлашмаси билан тузилган ўзаро шартнома асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда мазкур бирлашмада камтаъминланган оилаларни ижтимоий халомлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан йил бошидан бери 15 кишига сихатгоҳларга бепул йўлланма берилди. Бирлашма хизматчиларининг кўпчилиги «Чортоқ», «Чинобод», «Геолог», «Кашқадарё» соҳийи каби санаторийларда соғлиқларини тиклашди. Тармоқдаги камдаромадли оилаларга эса ўрмон хўжалигида етиштирилган мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари арзон баҳоларда сотилмоқда.

Косон туманидаги 92-очик хисадорлик жамиятининг маъмурияти ҳамда касабаси уюшма кўмитаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашларни кўллаб қувватлаш мақсадида жамоадаги 4 нафар боқувчиси йўқотган, 16 та кам таъминланган оилаларга ҳамда 2 нафар афгон уруши қатнашчиларига 70 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, автокорхона ишчи-хизматчилари 10 тонна пахта ёғи, 2,5 тонна қандолат маҳсулотлари, 1 тонна сариёғни арзон нархларда харид қилишди. Уларнинг 200 нафар фарзандлари ёзги мавсумда Яқкабоғ районидagi «Автомобилчи» оромгоҳида марикиб дам олишди.

Меҳнаткашларни соғломлаштириш касабаси уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Бу муҳим тadbирга Тошкент тўқимачи акциядорлик жамиятида алоҳида эътибор берилмоқда. Корхонадаги 140 ўринли профилакторий йил бўйи ишлаб, унда 1820 киши ўз соғлигини тикламоқда. Бу ерда лазер терапия, физиотерапия, фитобар, массаж хоналари ишлаб турибди. Даволанувчилар арасида В.П.Сағутова ҳамсўралидан Р.В.Бачкова, Л.Шайхутдинова, Н.Хасановаларнинг хизматидан го-ятда мамнун бўлишмоқда. Яна бир аҳамиятли жойи шундаки профилакторий ҳар йилнинг май ойида комбинатда меҳнат қилувчи пенсияга чиққан уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ихтиёрига бериб қўйилади.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Бозорларни айланган башангиз кўп марта гувоҳ бўлгансиз: қоп-қоп қанд-шуклар, ун-гурчулар, болалар овқати шундоқгина ерга қўйиб савдо қилинади. Ўтиб турган одамларнинг оёғи остида кўтарилаётган чанг-тўзонлар ерга қўйиб сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига, очик пештахталар устига териб қўйилган қолбаса ва пишлоқларга келиб қўнади. Уларни истеъмол қилган одам бирор дардга чалинмайди деб, ким қафолат беради?!

Бунинг устига бозорларда ва кўча-кўйларда савдо қилаётган кишилар тушган тушумни назорат касса аппаратида ўтказишмайди. Ҳаммаси ҳаммага келиб тушади ва ноқонуний харажатларга сарфланади. Кассани четлаб ўтган пул тўлалигича банк муассасаларига топширилмаган маошлар, пенсия ва нафақа пуллари вақтида тўлашда маълум қийинчиликлар келиб чиқади.

Очиқ жойларда сотилаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси истеъмолга яроқли бўлса қани эди. Афсуски, сотувчилар сақлаш мuddати ўтиб кетган, инсон саломатлигига фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирувчи маҳсулотларни ими-жиммида пуллаб кетиш пайда бўлади. Кейинги ойларида солиқчилар истеъмолга яроқсиз шундай маҳсулотларнинг 3,1 миллион сўмлигини савдодан олиб ташладилар. Уларни сотиб ўз ватандошларини захарлаётган 150 дан ортиқ нопок тижоратчини жаримага тортидилар.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 сентябрда қабул қилган «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу соҳадаги қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Қарор истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш мuddати ўтиб кетган, истеъмол қилиш учун яроқсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигига зарар етказилишига йўл қўймаслик, шунингдек, озиқ-овқат товарларини савдосини ташкил этишда тартиб ўрнатиш мақсадида қабул қилинди.

Шу кунларда республика солиқчилари ҳукумат қарорининг мохиятини барча тадбиркорлар, тижоратчилар ва юридик шахслар ўртасида кенг тушунтирилди. Илгари бўшаб қолган дўконлар яна гавжумлашиб бораёпти. Тижоратчилар назорат касса машиналари, совутичлар билан жиҳозланган дўконларни ижарага олиб бемалол маҳсулотларини сотишлари мумкин. Бунга ҳеч ким қаршилик кўрсатмайди.

Қарорга асосан мулкчилик шаклларида қатъий назар юридик ва жисмоний шахслар ун, қанд-шакар,

ўсимлик ва мол ёғи, маргарин, қуруқ сўт, болалар озиқ-овқати, чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, гўшт, балиқ ва мева-сабзавот консервалари, пишлоқ, қолбаса маҳсулотлари, алкоғоли ва алкоғолсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари билан чакана ва майда улгуржи савдосини зарур асбоб ускуналар билан жиҳозланган, санитария шароитлари бўлган, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бериш турғун савдо корхоналари орқали амалга оширишга киришмоқдалар.

Турғун савдо корхоналари деганда товарларни сақлаш ва сотиш учун зарур жиҳозларга эга бўлган, санитария талабларига жавоб берадиган алоҳида бино ва хоналарда жойлашган савдо ва умумий овқатланиш нуқталари, махсус савдо павильонлари ва киоскларни тушунилади. Бундай корхоналар савдо зали ва савдо залисиз бўлиши мумкин. Савдо зали бўлган турғун савдо корхонасида биз юқорида санаб ўтган маҳсулотларнинг барчаси сотилаверади.

Савдо залига эга бўлмаган турғун савдо корхоналарида эса, чой, макарон, қандолатчилик, тамаки маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати ва алкоғолсиз ичимликлар сотилиши мумкин. Лотокларда истеъмолчилари билан савдо қилувчи хусусий ва юридик шахслар эса савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар олиш орқали ўз фаолиятларини қонунлаштиришлари керак.

Махсус изотермик идришлар, сотувчи аппаратлар орқали алкоғолсиз ичимликларни чакана савдо қилувчиларга, бозорлар худудида жойлашган ихтисослашган гўшт-сўт павильонларидаги лотоклар орқали пишлоқ, қолбаса маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчиларга, оби-нон ва ширинликлар (новвоат, ҳолва, парварда, пашмак, нишолда)ни лотоклар орқали санитария қондаларига амал қилган холда сотувчиларга нисбатан турғун савдо корхоналари орқали савдо қилишга оид талаблар қўлланилмайди.

Республика солиқчилари ҳозир Вазирлар Маҳкамаси қарорига қўйилган талаблар ва яратилган имкониятлардан барча юридик ва жисмоний шахсларни тўла хабардор қилмоқдалар. 20 сентябргача тушунтириш ишлари олиб борилди. Сўнг қарор ижросини текширишга киришилди. Қўрилаётган чора-тадбирлар савдо маданиятини оширишга, энг муҳими ватандошларимиз саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилишига ишонамиз.

Жасур НОСИРОВ.

Қарор ва шарҳ

ЧЎЛНИНГ ОЛТИН САНДИФИ

Олотда «Хайдарбек» фермер хўжалигининг таърифи кенг ёйилган. Асл мулкдорлар ерни эъозлаб истеъмол бозорини тўқин-сочин этишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кекса соҳибкор Хайдар ота ўли Самандар Бекниёзовнинг фермерлар сафига қў-

Фермерлар барчани лол қолдириб бултур чўл шароитида гектаридан ўттиз центнердан бошқоқ дон йиғиштириб олишга эришдилар. Пахта ҳам мўл бўлди. Олот туманида биринчилардан бўлиб теримга киришган катта оила аъзолари ҳосилдорликни 33 центнерга етказамиз деб туришибди.

- Ҳаммаси ҳаракатга, ич-лосга боғлиқ,- дейди фер-

Шахсий ун заводини қуриб ишга туширди. Бу ерда кўнанига саккиз юз кило ун чиқарилмоқда.

МИРЗАБОДЛИК БОЙЛАР

Мустақиллик тадбиркорликка кенг йўл очди. Равшанки, қизил империя даврида биз бой бўлишдан чўчиб яшадик. Ҳатто пешона тери эвазига топишган сармомияздан чўчиб

Халқ академияси тажрибаларидан унумли фойдаланиб, айниқса киши ойларида майсаларни меҳр билан парваришладилар. Натижда «Умар ота» фермер хўжалигининг ўзи давлатга 148 тонна галла топширди. Улар билан басма-басига ишлаётган М.Турдибоев, А.Назаров каби мулкдорларнинг иш тажрибалари эндиликда кенг омалаштирилмоқда.

Юксалаётган соҳаларнинг яна бири балиқчиликдир. «Сирдарё» хўжалиги аъзолари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 44 тонна кўп балиқ топширдилар.

Мирзаобод туманида 24 та фермер хўжалиги бор. 221 киши шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Бирок, Қаҳҳоровлар оиласининг ўрни бўлмаса, Файзли гўшада 10 фарзанд камолга етди. Уй бекаси Богдагул ая ўзини бахтли инсонлардан бири деб билади. Биоси фарзандлари фермерликка қўлириб одамочул, меҳнатсевар кишилар бўлиб етишти. Барчалари ҳамкор ҳамжихат бўлиб уч гектар ерда чорва учун мўл озуқа жамғардилар. Дастлаб иш бошлаганларида қарамоғларида 8 боша сизир бор эди. Эндиликда уларнинг сонини 60га етди. Бундан ташқари қўйлар, от, парранда ҳам парвариш қилинмоқда. Олинаётган мўмай даромаддан иккита трактор, иккита тележика ва бошқа жиҳозлар сотиб олишди, янги молхоналар қуришди.

Ютуқлар йил сайин салмоқли бўлмоқда. Қаҳҳоровлар белгиланганидан икки ҳисса кўп галла топширдилар. Шунингдек, 30 тоннага яқин сўт, 1,5 тонна гўштни истеъмолчиларга тортиқ этдилар.

М.ИЛЁСОВ.

ФЕРМЕР

Мулкдорлар синфининг истикболли вакили

шилишига аҳд қилганини эшитганида боши осмонга етди. Дастлаб иш оғир кечди. Занг ерда неъмат ундириш учун ойлар мобайнида сидқиқ тер тўқинди. Орада қутилмаган муаммо юзага келди. «Денов» хўжалиги бошқарув раиси ўзаро шартномада белгиланган ерни ажратмай фермерларни хуноб қилди. Туман прокуратураси аралашувида сўнг тадбиркорлар ери қирқ гектарга кенгайди.

Инсон қўли гул. Самандар ака фарзандлари Қумриой, Инобат, Феруза ва Умидларнинг ёнига олиб чўл бағридан ажратиб олинган майдонини экинзорга айлантириш ниятида тиним билишмади. Ҳашар уюштириб қондонлардан маҳаллий ўғит ташиб келтирилди. Яшии ният билан дастлаб йигирма гектарда деҳқончилик қилишди. Оила бошлиғи Хайдарбек отанинг тажрибаси, ташкилотчилиги асқотди.

мер хўжалиги раҳбари Самандар Бекниёзов. - Ҳалол ишлаб чўлнинг олтин сандигини очаялмиз. Эрта ерда ҳорда ёғингарчиликлар экинзорларимизга катта зиён етказди. Ғўзаларни қатқалоқ исканжага олди. Нима бўлсанга ўзимизникида. Қариндош-уруғлар билан ҳаракат қилиб бир ҳафтада ташвишли ҳолни бартараф этдик. Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлаёпти. Бултур банкдаги шахсий ҳисобимизга бир миллион сўм тушганди. Жорий йилда камида икки миллион сўмга эга бўламиз.

Хайдарбек ота хонадонига кирсангиз ҳавасингиз келади. Ранго-ранг узумлар, нақин олмалар, сабзавот экинлари қўқ бағишлаган. Ҳа, Бекниёзовлар том маънода бадавлат кишилардир. Ихтиёрларида иккита сизир, ўттизта қўй, паррандалар бор. Оила бошлиғи Россиялик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиб яна бир хайри ишни амалга оширди.

фойдаланардик. Не бахтки, эндиликда Президент бошчилигида амалга оширилаётган одил ва оқил сиёсат туфайли деҳқон ўз ерининг ҳақиқий хўжайинига айланди. Мулкдорлар синфининг истикболли вакиллари тобора кўпайиб бормоқда.

Қишлоқда иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши туфайли ишлаб чиқаришда, бунёдкорлик дастурини амалга оширишда қувончли натижаларга эришилмоқда. Энг муҳими одамлар ҳаёти, дунёқарашда ихобий ўзгаришлар содир бўлди. Нознеъмат бунёдкорлари сардоқатларини амалда намойиш этиб зўр омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Натижалар ҳам шунга яраша. Масалан, Эргаш Умаров етакчилигидаги фермер хўжалиги аъзолари галла мустақиллигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Улар бу йил шароитларига хос ва мос бугдўй навини эқдилар.

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ



қилмоқда. Шунинг билан, ҳар бир вилоят, туман ва хўжалик қўшма бир кунидан унумли фойдаланишга интилоқда. Андижон вилоятида асосий эътибор уруғлик пахта, сифатли йиғиштириб олишга қаратилган бўлса, Хоразм, Бухоро вилоятларида умуман ҳосилни қисқа мuddатларда йиғиштириб олишга муҳим аҳамият берилмоқда. Айни қоғда республика Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан «Ўзқишлоқхўжаликтаъминотузасти» давлат қўмитаси Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Фарғона водийси вилоятларидан ҳосилни йиғиб-териб олишга пахта териш техникаси ва меҳнат ресурсларини сафарбар этиш юзасидан шартномалар тузишни ташкил этипти.

Пахта заводлари ҳам мавсумга шай. Бу соҳадаги янгилик шундан иборатки, ҳосилни қайта ишлаш фьючерс шартномаси асосида амалга оширилади. Хусусан, бу йил улар Фарғона вилоятида ҳаммаёни қайта ишлаб беради. Ана шу мақсадда вилоят «Пахтаасаноотсотиш» хиссадорлик бирлашмаси тасаруфидоғи корхоналар ҳозирга чаканки юздан кўпроқ пахтачилик хўжалиги билан шундай шартномалар тузди. Шунга мувофиқ, қабул қилиб олинган ҳаммаёни қайта ишлашнинг тўқсон фоизи ҳосил йиғиб-териб олинганча хўжаликларга берилиши кўзда тутилган. Айни кунда уларга тўрт миллиард сўмдан ортиқ маблағ аванс тариқасида тўланди. Бу умумий аванс микдорининг қарийб 60 фоизини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, республикамизда катта меҳнат эвазига етиштирилган бебаҳо бойлик - «оқ олтин»ни қисқа фурсатда йиғиб-териб олиш кизгин паллага кирмоқда. Барча даражадаги мутаассадди раҳбарларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси далада ишловчилар, айниқса теримчилар ва механизаторлар учун зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш тўғрисида гавжурлик қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Машинада терилган пахтанинг ҳар бир тоннаси, қўлда терилган пахтанинг ҳар бир килограмми учун Вазирлар Маҳкамаси қароридида белгиланган микдордаги қанча пахта теримининг дастлабки қўнлариданоқ тулик тулаб бориш, ҳисобкитобни ўз вақтида бажариш фойда катта аҳамиятга эга. Зеро, муваффақият манфаатдорлиги - муваффақият гаровидир.

Шу кунларда жойларда деҳқоннинг йил бўйи қилган фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа мuddатда но-бути қилмай йиғиштириб олишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб олинган. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат

Э.ҚУБ ИБРОҲИМОВ,
Узл шарҳловчиси.

«Ўзбекистон боғлари — нурунийлар эътиборида» ташаббуси қанот ёймоқда

Ҳозир Республикаимизда икки миллиондан ортиқ фахрийларимиз бор. Шулардан 80 минг нафарга яқин иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари. Уларга суяниб хайрли ишларни амалга ошираёلمиз. Республика «Нуруний» жамғармаси ташаббуси ва кўмаги билан жумҳуриятимизда 1344 тадан ортиқ кичик корхоналар тузилган.

«Нуруний-хунарманд», «Нуруний-хамкор», «Нуруний-малхам», «Кўмак» корхоналари жамғармаимиз қошида фаолият кўрсатишяёпти. Улар иккинчи чоракда 2 миллион 622 минг сўм пул туширдилар. Унинг ун беш фоизини ижтимоий ҳимоя учун ажратилди. Шунингдек, ариза билан мурожаат қилган 37 нафар муҳтож фахрийларимизга махсус фонддан 73 минг сўм бердик. Вилоятлардаги тармоқ жамғармаларига қарашли кичик корхоналар, фермер хўжаликларига ҳам ердан курсатаёпти. Жумладан, «Оқ олтин» туманидаги «Шарбат» кичик корхонаси учун вилоят «Нуруний» жамғармаси 700 минг сўм ажратди. Жиззах шаҳрида «Бахмал» корхонаси шифобахш «Бахмал» сувиди ишлаб чиқаряёпти. Унга ҳам 300 минг сўмлик мадад кўрсатилди. Мўйнок, Амударё туманларида кичик ноҳона мажмуи ишга туширилди. Мирзақўл туманилик 76

Бу борада Наманган вилояти фахрийларининг иши таҳсинга лойиқ. Республика «Нуруний» жамғармаси, Республика кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси, «Ўзмевасабзавотузум» хол-

Бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшаётган асосий нарсаси ана шу ишонч!

Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, оила - ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъмин-

дирига масъуллиги бўлиб, ота-она ва фарзанд муносабатлари шарқда алоҳида ўрин тутди. Ана шу оиланинг энг бебаҳо жиҳатидир.

Бугунги кунда одамларни ижтисодиётдан, ўзаро ёрдам ва бир-бирини қўллашга чорловчи тузилма - маҳаллаларнинг ҳаётдаги юксак мавқеини ҳаммаимиз қуқур ҳис қилаёلمиз. Маҳалла, фуқаролар интилиши ва савий-ҳаракати туфайли муайян миллий-ахлоқий ва маиший тартиб қондаларига риоя қилиш, маъра-моғиди, яхши-ёмон қўнларни бирга ўтказиш, аҳиллиқни таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий-иқтисодий ва худудий жамоадир.

Нурунийларнинг ақсари мўйсифид отахонлар ва муносиб онахонлар, асосан маҳаллаларда иштикомат қилишади. Қўп қаватли бинолар жойлашган худудларда ҳам янги-янги маҳаллалар тузилаётгани қувончли ҳолдир. Бунда «Нуруний» жамғармасининг ҳам хизмати бор.

Эркин ҲАЙИТБОВ,
Ўзбекистон фахрийлари қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари.

СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

ёшли фахриймиз Эшман Ўсаров 3,5 гектар ерда «Нуруний»-боғини ташкил қилди ҳамда ғалладан юқори ҳосил олиб, муҳтожларга бугдўй тарқатди. Бўка туманида Шариф ота «Нуруний боғлари» хўжалигини яшнатди. Аслида, республикамизда элга хизмат курсатаётган, фидойи, тадбиркор отахонларимиз қўллаб-қувватланади.

«Ўзбекистон боғлари - нурунийлар эътиборида» ташаббус-ҳаракатини бошлаганимиз. Ҳозир 71647 нафар фахрийлар боғ ишлашига жалб қилинган. Шу йилнинг ўзида 3142 та янги боғ, шу жумладан, 19041 та оилавий боғ барпо қилинди. Республикаимиз фахрийлари 5 миллион 619 минг мевали, 23 миллион туп бошқа хил дарaxлар экишди.


динг компанияси, «Экосан» халқаро жамғармаси ҳайъати ҳамкорликда мукофот таъсис этди. Энди Наманган вилоятида боғдорчилик ишларини яхши йўлга қўйиб, биринчи ўринни олган нуруний боғдон 100 минг сўм мукофот олади. Шунингдек, иккинчи ўрин 70 минг, учинчи ўрин учун эса 50 минг сўм белгиланган. Боғдорчилик ишларини яхши тарғиб қилган журналист учун эса 10000 сўмлик мукофот ажратилган.

Ватан туйғуси! Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримовнинг Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси тўғрисидаги фармонида кекса авлоднинг ўрни, вази фахрийларнинг фарзандлар тақ-

лайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган гўша. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг кимматли анъаналар: халоллик, ростгўйлик, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний сифатлар энг аввало оилада шаклланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оиланинг жамиятда тутган ўрни алоҳида белгилаб қўйилган.

Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимиийлиги, ор-нонусининг кучлилиги, ёшларга ҳурмат, кексаларга иззат каби фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради. Яна бир муҳим масала, бу - катталарнинг фарзандлар тақ-

«Fairtrade» кўргазмаси



Фидокор халқимиз мустақиллини мустаҳкамлаш йўлида бадиб бормоқда. Фан-техникаси илгариланган давлатлар билан ҳамкорликни йил сайин кучайтираёпти. Нойтаҳлимиздаги «Ўз-ЭКСПО» марказида йилга кўндан-кўн фан-техника

лигиликларни кўргазмалари бўлиб ўтаётгани фикримиз далалидир. Бу ерда «Fairtrade» фирмаси ўз маҳсулотларини намойиш этади. Германиянинг Хайделбер шаҳрида тузилган фирманинг Вильюль (Литва), Қоҳира (Миср) ва Тошкентда ваколатхоналари бўлиб, дунёнинг қўшма мамлакатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

«Фирма мана олтми йилдирки, Шарқий Европа, Урта Осиё, Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида халқаро кўргазмалар ўтказаяпти. Марказий Осиё бўйича фирма кишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи жиҳозлар кўргазмасини ўтказиш бўйича етакчилик қилаёттир. Фирманинг Тошкентдаги бўғли кўргазмаси кўччиликда катта таассурот қоздирини қўнмоқда. Р.ГАЛИЕВ сурати.

БИРЖАЛАРДА ХАБАРЛАР

Республика кўчмас мулк биржасида ўтган ҳафта 16 маротаба савдолар бўлиб ўтди. Шулардан 8 таси қимомиди, 8 таси биржа савдолари дир. Шу жараёнда 90 та олди-сотди битимлари тузилди. Уларнинг қиймати - 20532,2 минг сўмин ташкил этди. Республика кўчмас мулк биржасининг Марказий аппаратида бўлиб ўтган савдоларда ҳам 5 та автомобиль ва бинолар сотилди. Уларнинг қийматлари 3306,5 минг сўм бўлди.

«Тошкент» Республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 56 та хиссадорлик жамиятлари қатнашди. Улар ўзларининг 198,1 минг акциялари ҳисобига 110,8 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Энг юқори самарадорликка Тошкент шаҳар «2-Автокомбинат» хиссадорлик жамияти эришди. Шу жамият ҳам 49,3 мингта акциянинг сотилишига эришди. Натижда 26,4 миллион сўмлик маблағни қўлга киритди. Бу жараёнда 53 та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан - 2741,7 мингта қимматбаҳо қоғозлар сотилган.

1998 йил — Оила йили

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

«ИБРАТЛИ ОИЛА» КЎРИК ТАНЛОВИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Йилимиз бошидан турли Босқинларда ўтказилган «Ибратли оила» кўрик танловининг республика даражасидаги якунловчи босқичи юксак маънавиятимиз, бебаҳо кадрларимизнинг нечоғли қудратли, гўзал, ёш авлоди қонини инсон қилиб тарбияловчи восита эканлигини яна бир қарра исботлади.

«Ибратли оила» кўрик-танлови оддий, аммо боқий ҳақиқатни улуғлади: яъни ота ва она қим бўлишларидан каттиги назар, фарзандлар, тарбиясида оқил бўлсалар, ўғил-қизларини билимдон, покдил, эзгулик йўлида изланувчан, меҳнатқаш, санъат гўзаллиқка ошно қилиб тарбияласалар, замонага муносиб авлод етиштиришга ҳисса қўсалар, шубҳасиз, улар жамиятимизнинг энг эъзозли кишиларидирлар.

Ҳамма номли мухташам Академик драма театрида қарийб етти соат давом этган танлов шу қадар қизиқарли, файзли, чиройли, энг муҳими, самимияти, иштирокчилар ва томошабинлар дилига яқинлиги билан бетакрор бўлди. Иштирокчилар учун шартлар аввалдан маълум эди: Оилалар таширифи, саволларга жавоблар, эркин маззу. Аслида бу шартлар буйича оилалар чиқишлари, танланган шакл ва мазмун йўналишлари, маҳорат даражалари ҳақида алоҳида-алоҳида мақолалар ёзса бўлади.

Эркин маззудаги чиқишлар кўрик-танловнинг гулгоши бўлди. Ун тўрт оила айни шарт буйича тайёрлаб келган сахнавий кўринишлар икки соатдан кўпроқ вақт олган бўлса, ажабмас. Лекин йил-йилдан бу муқаддас томошадан баҳраманд бўлдилар. Ҳали оилалар аъзоларининг билимдонлиги, топқирликларини, санъат ва адабиёт сирларидан нечоғли воқиф эканликларини, бой маънавий оламлари мана шу шарт намойиши довомида яна ҳам эркинроқ аён бўлди. Хар хил давраларда: «Бизнинг оиламиз шу қадар кўпчилики, тўй-маъракаларда узимиз йилгиласак, катта давра бўлади», деган гапни кўп эшитганимиз. Ўзбекининг хонадони, балким қўшиқчиси, созандаси, раққосаси, муқаллидчиси, кўзичкиси, газалхон оташзобларини ҳам ўзидан чиқса янада катта давра бўлиши ҳам исботланди.

Биз гоилиб бўлаемиз деб сира ҳам ўйламаган эдик, — дедилар хоразмлик Нибзат ота билан Раъно биби она.

Бу соддаю камтар оила усунлари бир умр далада оддий пахтакор бўлиб рўзгор тебратган, фарзандларини юяга етказган, уларнинг барчасини олий маълумотли қилган эканлар. Раъно биби она кўзини ердан узмай сўзлайди. Холбуки, уларнинг оиласи кўрик-танловда олий ўринга муносиб топилди. Саҳнада уларнинг ўғил-қизлари,

келиндари чақмоқ каби чақнадилар, зехнларининг ўткирлиги санъатларининг серкирралиги билан ҳамма-ни ром қилдилар. Бу оиланинг эркин маззуси ҳам фақат ўзларига хос бўлди: беқорчилар, такасалтанглар, гийбатчилар, оиланинг элидан баҳраманд бўлдилар.

Биринчи ўринни эса кашкадарелик Бокиевлар оиласи эгалладилар. Икки қиз, уч ўғил янги даврнинг энг муносиб кишилари бўлиб етишган оила. Ота-онанинг камсукумлиги, худди манглайларига ёзиб қўйилгандек. Аммо саҳнада уларга навбат берилганда, ота-она моҳир режиссёрга айландилар... бир-бирдан чиройли ўғил-қизлар худди ҳаётдаги каби катталар мақсадларини тўлдирдилар, уларга қанот бўлдилар. Эркин маззу учун тайёрлаб келган сахнавий кўринишлари ҳам оддийгина: оиланинг барча ташвишлари, болалар тарбияси, бозор-ўнар хотинининг елкасида. Аёл — она хар кун қўшиқ айтиб муҳаббатини шерьга солиб, портфелида иккита қатик билан (чунки қатик ишлаб чиқариладиган заводда ишлайди) бир бункача нон солиб келадиган эрдан ажралишмоқчи бўлади. Ховлининг ўртасига чизик тортиб эрига — У томонда сиз, бу томонда — мен яшайман», дейди.

Ўғиллар ота аτροφиди, қизлар она билан... «Чегара»нинг икки томонидаги фарзандлар охир-оқибат ота-оналарини яраштириб, ховлини бирлаштиришга эришадилар.

Тошкент вилоятининг вакиллари бўлган оҳангаронлик Худойбергеновлар оиласи илм, ҳунар, ижодни уйғунлаштириб ҳам хонадонни, ҳам жамиятни обод қилувчилар, улар тўплаган баҳо ҳақиқатан ҳам иккинчи ўринга муносиб.

Мамлакатимизда хар бир одам мукамал шахс бўлиб улғаймоғи учун имконларни юзага чиқарди бу кўрик-танлов.

Халқимиз орасида кузлари очилишга маҳтал бўлиб ётган маънавий имкониятлар ўзини намоеён этиши учун кенг йўл бўлди бу кўрик-танлов.

Тадбир ҳомийлари: Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Халқаро «Экосан» жамғармаси, «Қамолот» жамғармаси, «Наврўз» хайрия жамғармаси, «Олтин мерос» жамғармаси таъсис этган соғвалар бу ерда дунёдаги энг улғу ва оғир масъулияни — ота-оналик масъулиятини юрт, халқ тақдирини боғлаб адо этмаган инсонларга миннатдорчилик рамзи бўлди. Жамиятнинг асосий занжирини хар бири ўзига хос муқаддас бир халқа бўлган оилалар шаъни улғулганга сайин овоз мамлакатининг эркин истиқболи яқинлашаварида.



Ғурур

«ИСТИҚЛОЛ ЭҒАСИ, СЕНСАН БОЛАЖОН»

Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллиги тантаналари Андижон заминиди давом этмоқда. Шаҳарнинг энг сўлим гушаларидан бири — Бобур миллий боғида «Истиқлол ЭҒАСИ СЕНСАН, БОЛАЖОН!» маззуда байрам тадбири ўтказилди. Уни Бобур номидаги халқаро жамғарма ҳамда вилоят «Болалар» жамғармаси ташкил этди. Тўқтин дустурхон аτροφига вилоятдаги иқтидорли болалар, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уларнинг ўқитувчи ва тарбиячилари тўпланди.

К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

Мухтарама УЛУҒОВА.

ЭЛ КОРИГА ЯРАЙЛИК

92 ёшли Мутал бобо шукронаси

Намангансой қишлоғига қурилган ва «Ғишткўприк» деб аталаётган ошхона ёнида тўхтаган машинадан хушсурат нуроний тушди. Уни кўрган йигитлар пешвоз чиқиб кўлтигидан олмоқчи бўлишди.

Ишларининг қилларинг, нима, мен сенларга қариб қолган чолидимки кўлтигидан суйсанлар. Талабгор бўлса, истаганинг билан кураш тушаман.

Отажон шу тариха ҳазил-мутойба билан даврага фойз бағишлади. Бу пиру бадавлат инсон 92 ёшда. Бирок бардам, хушчақчақ, гайратли. Сухбатларимизда узоқ йил яшаш сирларини сўраймиз. Шунда Мутал Хожи ота мийғида қулиб таъкидлайди:

Доимо меҳнат билан топан нонининг е, кўпдан ажралма, агар уйингга биров келмай қўйса, эсингни йиғиштир, ҳаммиша қўлинг кўксингда бўлсин.

Отажон умр буйи шуларга ўзи амал қилмоқда. Бутун Наманганда шу ажойиб инсонни қўли гул ошпаз сифатида эъзозлашади. Таомларини емабсиз, оламга келмабсиз. Шогирдлари билан тўю тантаналарда хизматда. Хозирги кунда ундан сабоқ олган йигитлар миллий таомларни тайёрлашда намуна бўлишяпти.

Мутал бобо хонадонига ҳаммани ҳаваси келди. Фарзандлари одамохун, меҳнатсевар, элишига камарбаста кишилардир. Томорқада нознеъмат етиштириб мўмай даромад олишмоқда. Қўй-эчки, паррандалар катта хонадон баракаси. Бундай инсонлар ҳаётимиз кўрки, фахримиз, суйнган тоғларимиздир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Психолог маслаҳати

НОҲАҚ БЎЛСАНГИЗ, ИҚРОР БЎЛИНГ

Мен катта Нью-Йоркнинг марказига яқин жойда истиқомат қиламан. Менинг уйимдан бир дақиқалик масофада ёш ниҳоллар ўтказилган ўрмонча бошланади. Бу ерда баҳорда дов-дарахлар турфа гулга бурканади, олмахонларнинг болалари от буйи баландлигидидаги ўт-ўнларнинг орасида ўсиб, улғаяди. Ўрмоннинг сокин бу гўшаси «ўрмон оромгоҳи» деб ном олган бўлиб ташки қўриниши жиҳатидан Колумб Американи очган даврдан буйи ўзгармаган эди. Мен бу ерда Рекс лакабли кичик бастон бўлдоғи билан тез-тез сайр этиб турардим. Беозор лайчани тумшук тасмасидан бўшатиб юборардим. Бир сафар оромгоҳда отлиқ полициячиға рўбарў келиб қолдим. У ўз ҳукмини ўтказишни истаб қолди:

— Нимага бу итни оромгоҳда тумшук тасмасисиз қўйиб юбордингиз бу қонунда таъқиқланганини билмайсизми? — Биламан, — дедим юмшоқлик билан, — лекин итим бирор нарсага зарар келтиради деб ўйламабман?

«Ўйламабсиз? Сизнинг ўйлаш, ўйламаслигингиз билан қонуннинг нима иши бор. Итингиз олмахонни ғажиб қўйиши ёки бирорта болани қўлиб олиши мумкин. Бу сафар оғохлантириб қўяман. Агар итингизни яна шу ҳолда учратиб қолсам, суд олдида жавоб беришингизга тўғри келди.

Мен қондани бошқа бузмасликка ваъда бердим. Шундан сўнг анча вақт қондага қатий риоя қилдим. Аммо Рекс тумшук тасмасисиз юришни ёқтирарди. Менга ҳам тасмада юриши маъқул эмасди. Яна бир таваккал қилиб, қондага хилоф иш тутдим. Хийла вақт бемалол сайр этиб юрдик. Аммо бир сафар яна кўнглиз сизликка дуч келдик. Қуп-

на кундуз кунни адир буйида яна ўша «қонун кўрикчиси» бўлган отлиқ полициячинини учратдим. Ута ноқулай ахволга тушиб қолганлигиндан қалтис ва зиятдан чиқиб мақсадида аввал ўзим айбимга иқрор бўлдим:

— Офицер, сиз мени бошлаб ўстади қўлга туширдигиз. Мен айбдорман. Узимни оқлашга ҳеч қандай асосим йўқ. Аввалги сафар сиз мени қатий оғохлантирдигиз.

— Ҳа, майли, — жавоб берди полициячи юмшоқроқ оҳангда. — аτροφда ҳеч қандай бўлмаганда, бу ерда лайчага сайр этиш қанчалик роҳат эканлигини тушунаман.

— Роҳат яхшику-я жавоб бердим мен, — аммо бу қонунга хилофда.

— Бунақа ит ҳеч қимга зарар келтирмайди, — эътироз билдирди полициячи.

— Албатта. Аммо бу олмахонни ғажиб қўйиши мумкин, — дедим мен.

— Йўқ-эй. Менимча сиз ўта киндийлаштириб юбордингиз, — эътироз

АҚЛ БИЛАН ИШ ТУТСА...

(Юсуф ТОВАСЛИЙДАН)

Золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжоз золим ақли бир хотиннинг эрини, ўғлини ва аксини банди қилди. Аёл йилга фарёд қилиб Ҳажжоннинг олдида келди.

Ҳажжоз: — Бу уч кишининг бирини афв этаман. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қайси бирининг овоз бўлишини, хоҳлайсан?

Эрингини, ўғлигини, акангини? — деди.

Хотин: — Эр топилади, юрда эркак кўп. Ўғил туғилади, истасам бир неча ўғил туғаман. Аммо ака топилмайди, чунки онам яна бир ака туғиб беролмайди, дейди.

Аёлининг бу оқилона жавоби ва тўғри сўзлиги Ҳажжозга қаттиқ таъсир қилди ва:

— Ҳаммасини кечирдим, сен бағоят тўғри сўзладинг. Сенинг ақли ва тўғри сўзлигинг менга ёқди, — деди. Ва уларнинг ҳаммасини овоз этди.

Изоҳ. Суюкли Пайғамбаримиз ақли бўлмаган

Ҳикматлар

нинг дини бўлмас, деганлар. Ҳикоядаги бу хотин ақли ила меҳрибонларини қутқарди.

МИЛЛАТ МОЛИ
Қиш келиб қолди. Мўминларнинг Халифаси, Амирал Мўминин Хазрат Али ёзлик кийим кийган. Халифа дир-дир титрайди. Унга Байтул молдан давлат хазинасидан, миллат бойлигидан қишлоқ бир кийим олишни таклиф этдилар. Хазрат Али:

— Бўлмайди. Бу ёзлик кийимда юриш сиз таклиф этган ишдан хайрлидир. Чунки миллат молида

етимларнинг ҳаққи бордир, — деди.

Изоҳ. Эй мўмин, ўзинга кел, эсингни йиғ!
Миллат моли, давлат молини фақат имони бўлганлар сақлайдилар, муҳофаза қилдилар.

НАФСНИ ТАРБИЯ ЭТ

Бир кун Хазрат Умар сув тўлдирилган мешни орқалаб келарди. Ўғли отасини бу ахволда кўриб:

— Нега бундай қилдингиз, отажон? Биз олиб келар эдик, — деди.

Хазрат Умар:

— Нафсим ҳаддан ошиб

кетгандай бўлди. Ич-ичимдан, ўзимни ҳаддимдан ошиб кетаётгандай ҳис этдим. Нафсимни залил этмок, қийнамоқ учун шундай қилдим, — деди.

Изоҳ. Эй мўмин! Тушун олганинча тушун.
Ислоҳ қўшнилари ва давлатнинг раҳбари ўзини гурурлиб, ҳаддимдан ошаётганга ўхшайман, деб ҳис этиб, нафсини ўлдириб, қийнаш учун сув тўла мешни орқалаб ташиган. Нафс, инсоннинг энг буюк душманидур.

Қилрбўй ТЎЛАБОВ тайёрлаган.



Сехр оғушида...

НОДИР САНЪАТ НАМОЙИШИ

Болалар Бадиий ижодиёти Республика марказида «Ўзбекистон Ватаним наним» кўргазмаси очилди. Оила йилига бағишланган ушбу кўргазмада саксон нафардан ортиқ ёш ижодкорнинг икки юздан зиёд зардузлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, қулолчилик каби амалий санъат ҳамда ранг-тасвир асарлари намойиш этилди. Бу асарларда болаликнинг беғубор тўйгуларини, миллий анъаналар, оилавий урф-одатлар, турли байрам кўринишлари, ўлкамизнинг тарихий шаҳарлари, гўзал табиати, табиий бойликлари ўз аксини топган.

Кўргазма натижасига кўра, тошкентлик иқтидорли ёш rassomлардан Нигора Мирсолихонванинг «Ўзбекистон анорлари» расми, Феруза Эркабоева ва Жамшид Валиевнинг «натормордалар, термизлик Шаҳноза Уроқованинг Муборак газ қонлари тасвирланган «Ватаним боғлиғи» асари махсус совринга сазовор бўлди.

М.ОДИЛОВА.

ЎТИНГА АЙЛАНГАН ОЛМАЗОР


ракатга тушиб, маблағ сарфлаб олти километр масофадаги газ қувурларини алмаштирилди. Кўргуликни қарангки, бари-бир маблағ танқислиги сезилди. Хайрли иш чала қолди.

Қирчиллама қишининг совуғига болаларнинг чидаши кийин. Шу боис кўпчилик елиб-югуриб ўтин ахтаришди. Иш шунгача бордики, 500 гектар ердаги ажойиб олмazorни бир-бир кесиб қуритишди. Шу-

ҳам оғир бўлиб қолди. Қишлоғимиз аҳолисини илгарди Самарқанд-Олмазор йўналиши буйича қатнайдиган автобус узокни яқин қиларди. Хозирга келиб у ҳам қатнамай қўйди. Кунимиз «шахсий»ларга қолган. Ҳўш, мушкуллимиз қачон осон бўлади, қачон кам кўстсиз яшаш насиб этади?

Бўри бобо ПАРДАЕВ, ЎзА бобо ҲАЗРАТҚУЛОВ, Муъассарқул бобо МУЗАФФАРОВ, жами 17 янвзо.

«ИШОНЧ» УСТАХОНАСИ



Ушбу чизмадан фойдаланиб бир вақтингиз ўзида сизга ниҳоятда астойдилангиз тадиган ҳам шаоха, ҳам хаскаш ясаб олишингиз мумкин. Бунинг учун шоханинг икки жойида даста ўрнатиш учун тешик қилинади. Уларни бири ерга перпендикуляр иккинчиси эса вертикал ҳолатда ясаллади. Бу ажойиб иш қуролидан турли усулдаги юмушларни бажаришда фойдаланилади.

С.ҲАСАНОВ тайёрлаган.

XANDALAR

Maorif bo'limi inspektori bilan maktab mudiri hovlida aylanib yurishgan ekan. Maktab bog'ini payhon qilib, gullar uzayotgan bolani ko'rib qolishibdi.

— Mana tarbiyaning natijasi! — debdi inspektor. Qizarnib ketgan direktor haligi bolaga: — Xoliddov! Bu nima qiliq?! — deb baqiribdi.

— Ada, familiyamiz Xamiddov-ku! Unuttingizmi? — debdi bola.

Kichkina qizaloq oyisining oldiga kelib dedi: — Oyi, mushuk aksirdi. — Sen unga soq' bo'l dedingmi? — Yo'q. — Nega? — Keyin rahmatni menga kim aytadi?

— Bugungi ishni ertaga qoldirmaslik kerak, — dedi oyisi Hilolaga. — Yaxshi, unda tort bilan konfetni hoziroq yeb qo'yaman mang.

Hilola oyisiga erkalanib dedi: — Oyi, bugun ishga bormang. — Ishga bormasam, bizga nonni kim beradi? — Do'kondan sotib olmaymizmi?

Hilola oyisiga dedi: — Oyi, tuxumni yechintirib bering!

Egim kelayapti.

Bahridina TURGUNOV tayyorladi.

- Одилжон Иброҳимович, бироз қутилмаган савол: Давлат солиқ хизмати идораларида ишлаш баъзилар ўйлаганидек, қўлини қаёққа узатса етadиган мартабани ёки турган битгани масъулиятми?

- Солиқ тизими шаклланиш пиллаполярини бо-сиб ўтиб, мамлакат иқтисодий бeрқарорлашти-риш, бозор иқтисодиёти механизмининг беҳато иш-лашида узига хос мавқега эга бўлмоқда. Шу боисдан Сиз ишора қилатган тушунчаларга ҳам ойдинлик ки-ришти борилайти. Чунки, соҳамизда меҳнат қилаёт-ганларнинг асосий қисми оқ-қорани таниган, иқтисо-диёт, бухгалтерия, ҳуқуқ-тартибот идораларида ан-ча-мунча тажриба тўплаган кишилардир. Агар улар бошқа жойларда, жумладан, тадбиркорлик, тижорат соҳасида фаолият кўрсатганларида ҳам анчагина ба-давлат, ишбилармон киши сифатида ном чиқарган бўлардилар.

Аммо ҳаётдаги асосий мақсад фақат бойлик ор-тириш эмас. Ундан устунроқ турадиган нарсалар ҳам бор. Шу боис ҳодимларимиз орасида ўз касбининг фидойилари борлигидан фахрланамиз. Энди «солиқ-чиларнинг қўли узун» деган тушунчага келсак, ҳақи-қатдан ҳам улар қонуний ваколатлар доирасида иш юритишди. Бурч, қонун олдидаги жавобгарлик туйғу-си эса зиммамизга катта масъулият юклайди. Со-лиқчининг меҳнати энгил эмас. Масалан, тафтиши-ларимиз бир текширишни охирига етказгунларига қадар неча мартабала қарама-қарши текширишлар ўт-казишди, улар ҳисобот ва ҳужжатлар моҳиятини чу-қур билишлари талаб қилинади. Керак бўлса, қўшни вилоятларга боришга ҳам тўғри келади.

Аммо «Беш қўл баробар эмас» деганларидек, бу соҳага адашиб кириб қолган, хизмат вазифини суиистеъмол қиладиган кимсалар ҳам борлигидан кўз юма олмаيمиз. Хас-хашак сув юзига чиқиб қолгани-дек, улар ҳам барибир кўзга ташланиб қолмоқда. Биз бундайлардан сафларимизни тезроқ тозалашга ҳа-ракат қилаймиз.

- Тизим ходими олдида турган энг муҳим ва-зифа нимадан иборат?

- Фикримча, бутун тизимимиз ва унинг ҳар бир ходими шаънини пок сақлаш энг муҳимдир. Чунки, биз солиқчилар эртаю кеч одамлар билан мулоқотда бўламиз. Уларнинг ташвиши билан ашайимиз. Одам-ларнинг эртанги кунга ишончи, давлатимизнинг қу-дратли бўлиши, бозор иқтисодиёти механизмининг бе-нуқсон ишлаб кетиши фаолиятимиз самараларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Солиқ тизими ходимидея босиқлик, бошқалар фикрини англай олиш, шaroитини ўрганиб адолатли хулоса чиқара билиш фазилатлари ша-қланган бўлиши шарт. Кибр-ҳаво, манманлик, хиз-

мат вазифини берадиган ҳуқуқларни пеш қилиб бош-қалардан узини юқори қўйиш, мансабни суиистеъмол қилиш шубҳасиз заволга олиб келади. Бундан таш-қари солиқчи ўз касбини пухта эгаллаган, маънавий юксак бўлган тақдирдагина текширилатган идора, қорхона ходимлари ёки тадбиркорнинг ҳурматини қо-зона олади.

- Масъулиятни ҳар ким ҳар хил тушунади. Уни ошириш билан боғлиқ омиллар ҳақида тўхтал-сангиз.

- Шифокорларда Гиппократ қасамёди бор. Ҳарбий

ва тайёргарлик савияси, ишчанлик фазилатларини аниқлаш, уларда ижодий изланиш кўникмасини қа-рор топтиришдир.

Давр барча соҳада бўлгани каби бизнинг олди-мизга ҳам ишимизга ижодий ёндашиш, изланиш ва интилиш, муаммоларни ечиш омиликорлик билан ва-зифасини қўймоқда. Шу боисдан Боевут туман Дав-лат солиқ инспекциясида тажриба тарикасида «Ах-боротларни қабул қилиш ва қайта ишлаш» бўлими ташкил этилди. Бўлимнинг Низомига биноан бу ер-да фаолият кўрсатаётган барча қорхона ва ташки-

сбланган тўловлар миқдори 5,5 баравар ошган.

Энг муҳими, ахборотлар ва ҳисоботларнинг ишо-нчилиги ва тезкорлигига эришилди. Солиқ тўловчи-лар томонидан ҳисоботларни ўз вақтида ва сифатли топирилиши, солиқ тўловлари бўйича қарздор таш-килотларнинг қарзини ўз вақтида ундириб олиш қатъий назоратга олинди. Энди солиқ тўловчилар ҳам ҳисобот топириш учун бир неча бўлимларга кириб юрмай қимматли вақтларини тежаш имконига эга бўл-дилар. Бугунги кунда бу янги усул Гулистон ва Ян-гиер шаҳар, Сайхунбод туман Давлат солиқ инспек-цияларида ҳам қўлланилапти. Тез кунда бутун ви-лоят бўйича янгича иш юритишга ўтилади.

- Спортта, ундаги Шарқ кураш усулларига қи-зиқишингиз катта. Яқинда вилоят таъвандо фе-дерациясига раис қилиб сайландигиз. Узингиз раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларининг спорт билан шугулланиши, ўтказилаётган мусобақалар-даги иштироки ҳақида нима дея оласиз?

- Бошқармамизда ходимларнинг жисмоний тайё-ргарлиги ва спорт билан мунтазам шугулланишлари-га катта эътибор берилляпти. Ахир ҳалқимиз тилида «Соғлом танда соғ ақл» деган нақл бор. Ҳафтанинг икки куни шаҳарнинг марказий ўйингоҳида жисмо-ний тайёргарлик машқлари ўтказилапти. Бу солиқ тизими ходимларининг соғлом, бақувват бўлишига катта ёрдам беради. Шу билан биргаликда футбол, мини-футбол, волейбол бўйича тузилган жамоалари-миз турли мусобақаларда яхши кўрсаткичларни кўл-га кириштиб келмоқдалар. Республика Давлат солиқ қўмитаси биринчилиги учун ўтказилган мусобақалар-да мини-футбол бўйича жамоамиз Республика миқе-сида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритди.

8-9 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Дав-лат солиқ хизмати ташкил этилганлигининг 7 йилли-ги шарафига мини-футбол бўйича бошқармамиз сов-рини учун Республика очик турнири мусобақалари ўт-казилди. Мусобақаларда Андижон, Наманган, Фарғо-на, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё вилоят-лари, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармалари ва вилоятимиздаги ҳуқуқ-тартибот, банк ва молия идораларининг жамоалари иштирок этдилар. Шуни-си диққатга сазоворки, мини-футбол бўйича жамоа-миз турнирнинг бош соврини ва биринчи даражали дипломи билан тақдирланганликларидан фахрлана-миз.

Зиммамиздаги энг асосий вазифа давлат хазина-сини тўлдиририш. Шу боисдан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушушини таъминлаш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

Сўхбатдош: Тоғаймурот ОРТИКОВ.

СОЛИҚЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

Сирдарё вилояти- давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Одилжон Бегматов билан мулоқот

хизматга қақирилган йигитлар ватанга, халққа са-доқат билан хизмат қилиш юзасидан қасамёд қабул қилишди. Бизда ҳам янги ишга қабул қилинган хо-димлар Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби ва солиқ хизматининг тамғаси ўратилган махсус жойда туриб Махжубрият матнини тантанали равиш-да ўқиб беришди ва унинг остига имзо чекишди. Шундан сўнг уларга шахсий гувоҳномадан тантана-ли равишда топирилади.

- Солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари хо-димлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкам-лаш, солиқ қонунчилигини кенг оммага еткази-ш борасида устакта нозирлари ўрни катта...

- Шу йилдан эътиборан Ўзбекистон Республика-сининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»-ги Қону-нига мувофиқ солиққа тортиш субъектлари ва объек-тларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олини-шини таъминлаш мақсадида устакта солиқ нозир-лари вазифини жорий этилди. Бевосита аҳоли ўртасида иш олиб борадиган бу ёнун ҳодимларини танлаш ва жой-жойига қўйишга катта эътибор беришимиз керак. Биринчи навбатда уларнинг ишчанлик фази-латлари, билим ва кўникмалари, қўли ва юраги то-заллиги, одамлар билан муомала қила билишлари эътиборга олинади. Шу боисдан ҳам бошқармамиз-нинг ташаббуси билан Республикада биринчи бў-либ «Энг яхши устакта солиқ нозир-лари таллови» ўт-казилапти. Бундан мақсад ходимларнинг билим

лотларга шахсий ҳисоб варақалари очиш ва юри-тиш, ҳисобот балансларини қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга улар солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни, рўйхатдан ўтказиш (идентификациялаш) тартиб ра-қамларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-да бериш, молия бўлими ва банк тизими ўртасида ахборотларни ўзаро алмаштиришда ҳамкорлик қи-лиш, солиқ ва бошқа тушумларни тушушини назорат қилиш, таҳминий режага нисбатини аниқлаш, таҳлил қилиш, ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этмаган қор-хона ва ташкилотларга бунак тўловларини ҳисоблаш ҳамда ҳисобот тақдим этилгандан сўнг қайта ҳисоб-лаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хусуси-да тушган шикоятларни қонуний ҳал қилиш каби иш-лар амалга ошириляпти.

Бўлимда бугунги кунда 9 киши ишламоқда. «Хўш, янги бўлим ташкил этилгани қандай самара берди?» деган савол туғилиши табиийдир. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1997 йилда бундан ав-валги йилга нисбатан яқна тартибда меҳнат фаолият-ли билан шугулланадиган тадбиркорларнинг ишини текшириш соми 1,7 баравар, яширилган даромад-ларини топиш ва солиққа тортиш 1,6 баравар ўсган. «Хуқуқий шахсларни солиққа тортиш» бўлими бўйича ўтказилган текширишлар соми 146 тадан 376 та-га, яъни 2,6 баравар, яширилган даромадларини то-пиш ва солиққа тортиш 3,3 баравар, қўшимча хи-

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистон ички иш-лар вазирлигининг бер-ган хабарига қараганда Тавилдарда БМТ хо-димларини ўлдирганда гумон қилинган муҳолифат то-монининг уч нафар киши-си айбига иқдор бўлган. Тергов ишлари муҳоли-фатнинг икки ва Халқаро Кизил Хочнинг вакили иштирокида олиб борил-ган. Муҳолифат матбуот марказининг ходими Хо-тамийнинг сўзларича, тергов шошилинич сурьатда олиб борилган. Бироқ айбланувчиларга босим ўтказилмаган.

Киргизистон ташки ишлар вазирининг му-овини М.Имомалиев эронлик дипломатлар-ни ўлдирган толибон-ларни бу ёвуз ҳаракат-тини қоралади. У аф-ғон масаласини тинч сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилиш ҳақидаги Киргизистон ҳукуматининг билдир-ган таклифини эслатиб, бу ҳақда БМТнинг мах-сус вакили М.Брахимий билан музокаралар олиб борилаётганини айтди.

Қозогистон ҳукумати Каспий бўйида аввал жойлаштирилган ядро-вий чиқиндиларни бош-қа жойга - хавфсизроқ чўл зонасига кўчириш тўғрисида АҚШ ҳукумати билан келишувга эриш-ган. Бу чиқиндилар сос-тавида плутоний бўлиб у кишилар қўлига тушиб қолса ундан кураол ясаш-да фойдаланишлари мумкинлигини олдини олиш мақсадида шу та-дбир амалга оширилмоқ-чи. Чиқиндилар кўчи-ришга бир неча ўн мил-лион доллар ажратили-ши ва бу жараён бир не-ча йил давом этиши мўл-жалланмоқда.

Қозогистон Прези-денти Н.Назарбоевнинг фармонида мувофиқ республика транспорт вазир-и Эркин Калеев мансабни суиистеъмол қилиб авиатранспорт-дан шахсий мақсадда фойдаланганлиги, Ак-мола туман ҳокими Владимир Гертман эса раҳбар этикасига но-лоийк иш қилганлиги учун вазибаларидан четлаштирилганлар.

БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮБИЛЕЙИГА ҲОЗИРЛИК

Шу кунларда мамла-катимизда, айниқса, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида буюк ал-ломалар имом ал-Бухо-рийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад Фарғоний та-валлудининг 1200 йил-лигига бағишланган тадбирларни юксак са-вияда ўтказишга қизгин тайёргарлик қўрилмоқ-да. Самарқанд вилояти-нинг Челақ туманида имом ал-Бухорий ёд-горлиги мажмуаси ку-рилиши жадал бормоқ-да. Бу ердаги Ҳадис маркази биноси қуриб битказилмоқда. Фарғо-на шаҳрининг асосий тантаналар ўтказилади-ган марказий майдони-да, унга туташ боғда ободонлаштириш ва ку-рилиш ишлари, фавво-ралар бунёд этиш йомушлари жадал бор-моқда. Бугунга келиб Аҳмад Фарғоний ҳайка-ли ўрнатишга тайёр қи-либ қўйилди. Қува шаҳ-

рида ҳам юбилей билан боғлиқ барча ишлар ни-ҳоясига етказилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси-да мазкур юбилейларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда таш-килий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик, идо-ра ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок эт-ди. Мажлисни Ўзбеки-стон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Исмомл Жўрабеков бошқарди. Мажлисида имом ал-Бухорий фаолиятига ба-ғишланган халқаро ил-мий конференцияга ҳамда юбилей кунни ўқи-ладиган жума номозига тайёргарлик юзасидан Диний ишлар бўйича қўмита раиси Ш.Мир-маҳмудов ва Ўзбекистон муеулмонлар диний идораси раиси, муфтий

А.Баҳромовнинг ахбо-ротлар тингланди. Аҳ-мад Фарғоний юбилей ишшоотларида қурилиш ишларининг бориши тўғрисида Фарғона ви-лоят ҳокимининг би-ринчи ўринбосари А.Отабоев, ал-Фарғоний илмий фаолиятига ба-ғишланган халқаро кон-ференцияга тайёргарлик ҳақида Фанлар акаде-мияси вице-президенти М.Комиллов маълумот берди. Аҳмад Фарғоний юбилейи тантаналари байрам томошаси бош режиссёри Р.Ҳамидов-нинг ахбороти тадбир-нинг бадий-техник тайёргарлиги қандай бо-раётгани, сценарий ва сахналаштириш режале-ри тўғрисида бўлди. Мажлисида икки буюк ватандошимизнинг юби-лей тантаналари мамла-катимиздагина эмас, бу-тун дунёда катта қизи-қиш уйғотаётганлиги таъкидланди. Ҳозир-

даёқ ўттиздан ортиқ мамлакатдан юзга яқин меҳмон ташриф бу-уриш истагини билди-ди. Шу боис, «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тут-ган ўрни» ҳамда «Аҳ-мад ал-Фарғоний ил-мий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни» мавзула-ридаги халқаро анжу-манларга янада пухта тайёргарлик кўриш, ушбу алломалар ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган китоблар чоп этишни жадаллаш-тириш масалаларига эътибор қаратилди. Юбилей билан боғлиқ ташкилий масалаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан те-гишли идора ва таш-килот раҳбарларига аниқ топириқлар бе-рилди. Мажлисида Президе-нтнинг Давлат масла-ҳатчилари Н.Жўраев, А.Мансуров, Бош ва-зир ўринбосарлари Л.Ахметов, Р.Юнусов, Тошкент шаҳар ҳоки-ми К.Тўлаганов қат-нашди.

УЗА

«БУХОРОТЕКС»: ЁЙМА САВДО

Бухоро шаҳридаги Ибн Сино номи Маданият саройида ташкил этил-ган кўргазма-ёйма сав-дода «Бухоротекс» хис-садорлик жамиятида иш-лаб чиқарилган 100 дан ортиқ турдаги газлама материаллари намойиш этилди. Бу тадбирда республикамизнинг тур-ли вилоятларидан, шунинг-дек, Хамдўстликдаги баъзи давлатлардан кел-ган кўпбала бизнесмен-лар, қорхона ва ташки-лотларнинг раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар иштирокида бўлди. Кўп-лаб тикувчилик қорхона-лари раҳбарлари ҳам кўргазмага қўйилган мах-сулотларни завқ билан томоша қилдилар. Улар махсулотлар билан тани-шиботинга қолмай, бу мах-сулотларни сотиб олиш учун шу ернинг узидя контракт-шартнома туз-дилар. Мана, бор-йўги бир неча мисол:

Бундай фойдали ҳамкор-лик ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. «Бухоротекс» хис-садорлик жамияти қорхо-наларига хоржик техноло-гиясига ўтилиши натижа-сида бу ерда таҳри йили махсулот асортиментини-ни 30 фоизга янгилаб бо-ғиниришда. Бунинг исботи сифатида Маданият са-ройи томоша залидя Бухо-ро тўқимачилари меҳнати-нинг самараси - турли ра-лан ва жилёдаги газлама-лардан бунёд бўлган тикув

махсулотлари «Ёнинг ёр-кин ранглари» деб ном ол-ган шоу дастуридя намой-иш этилди. Екимли кўшиқ ва мусика садолари ости-да хилма-хил либосларни энг оддий матоҳлардан ҳам қўркам, сифатли ва бежи-рим кўйлақлар тайёрлаш мумкинлигини кўрсатди-лар. Юзлаб мухлислар қал-бига завқ-шавқ бағишла-дилар. Кўргазма-ёйма савдода нафақат «Бухоротекс» хис-садорлик жамияти, балки бошқа бир қатор тикувчи-лик ва тўқувчилик қорхона-ларининг ҳам махсулотла-ри намойиш этилди. «Ни-гора» хиссадорлик жамия-тида тикилган жинси шим-лар ва бошқа кийим-кечак-лар харидорларга айниқса маъқул тушди. Кўргазмага қўйилган бошқа махсулот-лар ҳам жумладан «Зар-дўз» ва «Бухороракун» хиссадорлик жамиятлари-нинг зардан ва қоракўлдан тикилган махсулотлари, Б.Омонова номидаги хис-садорлик жамиятининг че-вар тикувчилари қўли би-лан яратилган бошлар ку-рткалари, эркаклар кос-

томлари, ўқувчилар кий-им-бошлари, кўрпа-ёстик ва бошқа махсулотлар кўпчилигининг диққат-эътиборини ўзига қарат-ди. Бу махсулотларнинг ҳаммаси «Бухоротекс» хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган газламалардан тикилган-лиги билан диққатга са-завордир. Икки кун давом этган кўргазма - ёйма савдода «Бухоротекс» хиссадор-лик жамияти 1999 йил-учун республикамизнинг турли қорхона ва ташки-лотлари билан жами 105,5 миллион сўмлик 104 та шартнома тузди. Бу албатта улкан тўқиди-нинг иқтисодий сало-ҳиятини янада мустаҳ-камлашда муҳим ўрин ту-тади. Шубҳа йўқки, «Бухоро-текс» хиссадорлик жамия-тида жаҳон андозала-рига мос келадиган хил-ма хил сифатли махсу-лотлар ишлаб чиқариш, миҳозлар талаб-эҳтиё-жини қондиришда маз-кур хиссадорлик жамия-ти ва республика «Енгил саноат» уюшмаси томо-нидан ташкил этилган кўргазма ёйма савдо кат-та аҳамиятга эгадир. А.ИСТАМОВ, «Ишонч» мухбири.



Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент вилоятининг «Семург» болалар оромгоҳида Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан Оила йилига бағишлан-ган спартакиада бўлиб ўтди. Суратларда: спартакиадан лавҳалар.

Халқаро семинар

Тошкентда Халқаро Олимпия қўмитаси шафе-лигида Ўзбекистон Мил-лий Олимпия қўмитаси томонидан ташкил этил-ган халқаро семинар ўз иши-ни бошлади. Семинар иштирокчилари гимнастикадаги мав-жуд муаммолар, спортчи-ларнинг халқаро мусоба-қаларга тайёрланиш жа-раёни, халқаро турнир-ларни ташкил этиш ҳам-да гимнастикчиларнинг халқаро мусобақалардаги қатнашувини баҳолаш ме-зонларининг долзарб муаммоларини кўриб чи-қадилар. Семинарда олимпиада ҳаракатининг мақсад ва тамойиллари, шунинг-дек, спортда маркетингни қўл-лаш, ўринбосарлар тайёрлаш, ёш гимнасти-качиларни танлай билиш ҳамда уларнинг спортда эришаётган ютуқларига алоҳида эътибор бериш масалаларига ҳам жи-дий эътибор берилди. Семинар мамлакатимиз-да олимпиада ҳаракати самарали ривожлан-тириш йўллариини излаш, бу борада миллатни соғ-ломлаштириш ва фуқаро-ларимизни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасидаги давлат даражасига кўтарилган ишларимизни янада та-комиллаштиришга жуда катта кўмак беради, - дейди Ўзбекистон Мил-лий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рў-зиев.

УЗА

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт қорхоналари давлат уюшмаси чипта сотувчиларни ишга таклиф этади.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ! Бир йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга ҳар ойда тариф ставкасининг 20 дан 50 фоизгача миқдорда устама ҳақ тўланади.

ЯНА — шаҳар йўловчи транспортни чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиш, даромадлардан имтиёзли со-лиқ тўлаш ҳуқуқида эга бўладилар.

Маълумотлар учун телефон рақамлари: 34-84-19, 34-82-37.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари 56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва истеъсолат 56-82-79.
Ахборот ва спорт 56-87-63. Миллий ва маданият 56-82-79. Халқаро оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ 56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10.
Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43.
Ургенчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартидан чиқа бошлаган
Сотувида эркин нархда.
Матбаа рақами 700165,
Тошкент шаҳри, «Бухоро» (солиқ «Права Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр қурсаткичи: 133; 134

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда теринди ва сифатлаштирилди. Офсет усулида босилди. Бичими А2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт - матбаа қонтерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топириш вақти - 21.00
Топириш вақти 23.00